Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 4 октябрь 1973 йил, пайшанба ◆ № 234 (15.708). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЭСТОНИЯ ГРЭСИ ИНШООТИНИНГ ҚУРУВЧИЛАРИ, МОНТАЖЧИЛАРИ, ИШЛАТУВЧИЛАРИ ВА БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Эстония ГРЭСи қурувчилари, монтажчилари, ишлатувчилари коллективини, ГРЭСнинг лойиҳасини тузиш, машина-ускуналарини яратиш ва уни бунёдга келтиришнинг ҳамма қатнашчиларини лойиҳада белгиланган 1 миллион 600 минг киловатт қувватли электр станция ишга туширилиши билан самимий табриклайдилар.

Совет Эстониясида янги йирик ГРЭСнинг вужудга келтирилиши мамлакатнинг ғарбишимолида энергетика қувватларини оширишга ҳўшилган катта ҳисса бўлиб, КПСС XXIV съездининг кўп миллатли Ватанимиз ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш тўғрисидаги Директивалари муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлигини исбот қилади.

Сизлар беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида электр станциясининг 200 минг киловатт қувватли саккизинчи энергоблокини муддатидан илгари ишга туширишда юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришингиз билан ҳақли суратда фахрлана оласиз. ГРЭСингизнинг коллективи машина-ускуналарни ишлатишни такомиллаштириб, маҳаллий ёқилғи-сланецдан кўпроқ самарали фойдаланиш соҳасида мунтазам иш олиб бормоқда, лойиҳада белгиланган техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқда.

Эстония ГРЭСини барпо этишда қатнашган кишиларнинг ҳаммаси 1973 йил ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун бундан буён ҳам сабот-матонат билан курош олиб боради, социалистик Ватан бахт-саодати йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилади, деб ишонч билдирамиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

ОНГЛИ ИНТИЗОМ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Республикамиз ҳар бир меҳнаткашининг қалби қўйнинида бўлиб ўтган унутилмас воқеа — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига кўп миллатли давлатимиз рамзи, барча совет халқлари мустаҳкам бирлиги, қардошлигининг символи бўлган Халқлар дўстлиги ордени топширилишидан чексиз фахрланиш туғёни билан тепиб турибди. Чунки бу мукофот халқнинг мардонавор меҳнати, КПССнинг жанговар отрядларидан бўлган Ўзбекистон Коммунистик партиясининг катта ташкилотчилик ва ниҳоятда фаолияти, буюк Ватанимизга чексиз садоқат билан қилинаётган хизмат ифодаси, СССР халқларининг бузилмас қардошларча иттифоқини мустаҳкамлашга, муштаҳ коммунистик ишимизга республикамиз қилаётган хизмат эътироф этилганлигининг ёрқин ифодасидир.

Шу қувончли ва шодиёна дамларда ҳар биримизнинг фикру-зикримиз ва нигоҳимиз улуғ Ленинга, у барпо этган шонли Коммунистлар партиясига қаратилгандир. Чунки бахтимиз қуёши — Ленин, даврларнинг ақл-идроки, шоншарафи ва виждони — Коммунистик партия совет халқларининг қудратли Иттифоқини вужудга келтирдилар ва тобладилар. Ленин партияси раҳбарлигида социализмнинг батамом ва узил-кесил галабасига эришдик, эндиликда эса комил ишонч билан коммунизмнинг нурли чўққилари сари қадам бормоқдамиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXIV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳормай-толмай курашмоқдалар. Суянган тоғимиз — шонли ишчилар синфи коммунистик қурилишда партия йўлини актив ўтказувчи куч эканлигини амалда исботлаб, индустриямизни илдам суръатлар билан юксалтирмоқда. Беш йилликнинг ўтган икки ярим йили мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 26 процент ошгани, ҳал қилувчи йилнинг тўққиз ойлик плани муддатидан анча илгари бажариб қўйилгани бунинг ёрқин далилидир.

Қишлоқларимиз меҳнаткашлари ҳам ишчи биродарлари билан ёнма-ён туриб, меҳнатда ажойиб мўъжизалар яратмоқдалар. Айниқса, олтин қўллари билан улкан «оқ олтин» хирмонларини бунёд этаётган пахтакорлар баҳодирона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Баҳорнинг каттиқ қишларчиликларини мардонавор енгдилар. Кўз илғамас кенг майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Миллион-миллион ғўза туплари, лўппи бўлиб очилган кўсаклар ҳаммамизни қувонтирмоқда.

Пахтазор — жасорат майдони. Негаки, пахта етиштиришда йигим-терим ҳал қилувчи жараён. Кадрларимизнинг етуклиги, нималарга қодирлиги жиддий имтиҳондан ўтади. Айниқса, меҳнаткашларнинг гвардиячилари бўлган коммунистлар улкан пахта учун курашнинг олдинги сафларида бўлишга даъват этилгандирлар.

Онгли интизом — ҳар бир ишда муваффақият қозониш гарови. Пахта йигим-терининг шу долзарб кунларида унга риоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди. Гарчи бу йил йигим-терим илгариги йиллардаги суръатлардан анча илдам бораётган бўлса-да, об-ҳавонинг гоят мураккаб шароити эўр уюшқоқлиини, темирдек мустаҳкам интизомни талаб қилади.

Асосий ҳосил ҳали далада турибди. Кишиларнинг ишга виждонан муносабати, республикамиз меҳнаткашларининг интернационал бурчига муносабати ана шу кунларда жиддий имтиҳондан ўтади.

Андижон, Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё областларининг партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотлари пахта йигим-терими ишларини ташкил этишга ана шундай юксак масъулият билан ёндашганликлари туфайли «оқ олтин» тайёрлаш суръатлари муттасил ошмоқда. Бошқа барча областлар ва районларда, хўжаликларда ҳам худди шундай сафарбарлик вазиятини вужудга келтириш лозим.

«Башарти сен коммунист экансан, сенинг вазифанг қийинчиликлар олдида чекиниш, қолоқ кайфиятларга берилиш эмас, балки партиянинг онги ва актив жангчиси бўлишдан иборатдир. Меҳнатда ҳам, иктисодий ҳаётда ҳам, ўқишда ҳам, турмушда ҳам коммунист коммунистлигича қолиши, бизнинг ленинчи партиямиз аъзоси деган юксак номга муносиб бўлиши зарур».

Бугунги кунда ҳар бир коммунист КПСС XXIV съезди минбаридан янграган мана шу сўзларнинг маъзини чақиб кўриши, мен кундалик ҳаётимда, ишларимда, ғояларимда бу талабларга жавоб берямманми, деган саволни ўз-ўзига бериши лозим. Зотан, партия интизоми ҳам худди шуни талаб қилади.

Коммунистларда масъулият ва интизом ҳиссини тарбиялаш партия ташкилотларининг ҳаминша диққат-марказида бўлиши керак. Бизда интизом чуқур ички эътиқодга, уюшқоқликка, онглиликка асосланиши лозим.

Топширилган иш учун юксак масъулият туйғуси, олга томон қилаётган ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган ҳамма иллатларга нисбатан муросасизлик ҳар бир коммунистнинг бутун фаолиятини белгиловчи хусусиятдир. Партия коммунистик қурилишнинг у ёки бу босқичида бирор вазифани ўртага қўяр экан, бунда у ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг масъулиятини оширишни назарда тутади.

Тўқизинчи беш йиллик улуғвор вазифаларини бажариш учун жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси тағин, ҳам оммиқор, умумишига сидқидилдан берилган бўлиши даркор. Коммунист, у қандай лавозимда бўлмасин, ишга чинакам ижодий, новаторларча ёндашиши, ҳозирги замон фани ва техникаси, илгор тажриба ютуқларининг жаминки хазинасини жамиятга хизмат қилдирэ бериши зарур. Ишчан ва уюшқоқ, камчиликларга нисбатан большевистик муросасизлик, топширилган иш учун чуқур партиявий масъулият туйғусини сезиш — ишда муваффақият қозонишнинг гаровидир.

Кадрлар билан ишлашда, партия ходимларига, коммунистларга баҳо беришда асосий нарса — уларнинг сиёсий етуклиги, малакаси, маънавий қиёфаси ва ҳозирги шароитда оммага раҳбарлик қила билиш маҳоратидан иборатдир. В. И. Ленининг «Партиянинг ҳар бир аъзоси партия учун жавобгар ва партия ҳар бир партия аъзоси учун жавобгардир», деган сўзлари ҳар бир партия ташкилоти ва коммунист фаолиятининг мезонидир.

Бугунги кунда коммунист — коммунизм буюк идеалларининг тантанаси учун революцион курашчи, юксак, сиёсий онгга, ўзининг партиявий иши учун масъулият тушунчасига эга бўлган кишидир. Коммунист деган ном ҳар биримизга ана шу юксак баҳога муносиб бўлиш учун ҳамма ишни қилиш вазифасини ҳаминша юклаб келди ва ҳозир ҳам юклайверади.

Уз сафида салкам ярим миллион коммунистни бирлаштирган Ўзбекистон партия ташкилоти мана шу ленинча принципга оғишмай амал қилиб келмоқда. Кадрларни камтарлик, ишчанлик, юксак масъулият руҳида, партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш руҳида қунт билан тарбиялямоқда.

Шуни таъкидлаш билан айтиш мумкинки, ҳозир ўтказилаётган партия ҳужжатларини алмаштириш жараёнида коммунистларнинг сиёсий ва ишлаб чиқариш активлиги янада кўпроқ ошаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Биз ана шу муваффақиятларни мустаҳкамлаб, бундан буён ҳам партиянинг ҳар бир аъзосси коммунист деган юксак номни амалда оқлайдиган бўлишга эришмоғимиз керак.

Бутун халқ хўжалигимизнинг муваффақияти кўп даражада меҳнат интизомига боғлиқдир. В. И. Ленин «Меҳнат интизоми, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни ташкил этиш... партия ички сиёсатининг марказий вазифаси, ғалабанинг гарови» деб уқтирган эди. Доҳийнинг бу кўрсатмалари ҳамиламиз учун дастурилмалдир. Эътироф қилишимиз керакки, пухта, бир меъёрда ишлашни ташкил этишда, меҳнат интизомини таъминлашда мумкин ва зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ҳали тўла равишда қилинганги йўқ. Баъзи корхоналарда, колхоз, совхоз ва муассасаларда меҳнат интизоми оқсаётганлигидан, ўзининг бевосита меҳнат бурчига бепарво қараётган кишилар ҳали ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз. Бундай ҳолларга қаршн кескин кураш олиб боришимиз зарур. Меҳнат шарафини авайлаб асраш керак, буни унутиб қўйётганлардан эса жуда қаттиқ талаб қилиш зарур.

Уртоқ Л. И. Брежнев илгор техника билан қуролланган ҳозирги даврдаги иктисодий ишлаб чиқаришда меҳнат интизомининг роли ҳақида тўхталиб айтдики, «бекор туриб қолишларнинг ўзи, ҳалол ишламаслик ва хатоларга йўл қўйишнинг ўзи ҳозирги вақтда анча қимматга тушаётир. Айтайлик, кетмон билан ишлаётган кишининг ярим соат бекор туриб қолиши бошқа-ю, қудратли экскаватор, комбайн, башняли кран билан қуролланган кишининг ярим соат туриб қолиши бутунлай бошқа». Ҳақиқатан ҳам онгли интизом бизнинг идеалимиз бўлиб, ишга жонкуйр бўлишни ҳам, иқтидорли эвракликни ҳам, меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги учун кенг майдон очиб бершни ҳам тақозо қилади.

Ҳар бир коммунист меҳнат интизомини ошириш иктисодий бойликни кўпайтиришнинг капитал маблағлар сарфлашни талаб қилмайдиган, аммо катта ва тез самара бериши мумкин бўлган улкан резерви эканлигини ҳаминша ёдда тутиши лозим.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ КЕНГАШИ

НАВОИЙ, 3 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Бухоро область партия активининг кенгаши бўлди. Кенгашда пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида бўлиб ўтган йиғилиши ишининг якунлари ва пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш суръатларини кучайтириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари шу масала юзасидан ахборот бердилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари В. Г. Люмоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев иштирок этдилар.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

ЖИЗЗАХ. (**«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбиридан телефон орқали олинди**). Навоий номли колхоз пахтакорлари районда иккинчи бўлиб галаба рапорти бердилар. 2450 гектар майдондан 25 центнердан хирмон кўтарилди. 80 процент ҳосил машиналарда йиғиб-териб олинди. Пахтазорда жавлон ураётган ҳар бир терим агрегати ҳисобига 130-140 тоннадан пахта терилди.

Зафар қучган колхоз азаматлари ҳосилдорликни гектар ҳисобига 36 центнерга етказиб, пахта хирмонини 9 минг тоннага етказишга қарор қилдилар. Мажбурият ҳисобига пахта сотиш қизғин бормоқда.

Н. ҚАРШИБОЕВ.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1973 йил 3 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада	
			бир кунда	мавсум бошидан
Андижон	2,07	78,78	3,47	77,08
Қашқадарё	1,90	75,49	2,52	56,97
Сурхондарё	2,33	68,83	3,12	63,71
Сирдарё	4,19	60,54	5,32	73,53
Фарғона	2,40	60,02	3,54	47,29
Наманган	3,00	59,80	4,92	72,50
Тошкент	4,15	55,07	4,97	58,58
Бухоро	2,20	47,46	3,28	39,16
Хоразм	2,72	46,28	2,30	25,34
ҚҚ АССР	2,82	43,42	2,95	30,50
Самарқанд	2,90	37,26	4,55	38,68
Республика бўйича:	2,79	57,76	3,88	54,92
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,78	55,00		
Қашқадарё	1,61	47,28		
Бухоро	0,44	11,96		
Республика бўйича:	1,62	49,59		

ТАСС АХБОРОТИ

САККИЗ ЙЎЛДОШ — ПАРВОЗДА

1973 йил 3 октябрда Совет Иттифоқида ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-588», «Космос-589», «Космос-590», «Космос-591», «Космос-592», «Космос-593», «Космос-594», «Космос-595» учирилди. Саккиз йўлдошнинг ҳаммаси орбитага битта учирувчи ракета билан чиқарилди.

Гузор районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари механизациядан унумли фойдаланиб, терим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Қаршн районидаги «Ленинизм» колхози пахтакорлари ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишга қарор қилганлар. Колхоз деҳқонлари кунига йиллик планнинг 4-5 процента миқдорида пахта тайёрламоқдалар. Суратларда: (юқоридан пастга) К. Маркс номли колхознинг илгор механизатори М. Каримова «зангори кема» штурвалида. «Ленинизм» колхозида «оқ олтин» жўнатиш пайти.

А. Тўраев фотолари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ УРТОҚ В. Г. ЛАЗАРЕВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-12» космик кемасида орбита бўйлаб учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бу учишда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи Ўртоқ Василий Григорьевич **Лазаревга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил, 2 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ В. Г. ЛАЗАРЕВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи граждани Ўртоқ Василий Григорьевич **Лазаревга** «Союз-12» кемасида космосда учишни амалга оширганлиги учун **«СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил, 2 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ УРТОҚ О. Г. МАКАРОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-12» космик кемасида орбита бўйлаб учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бу учишда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи Ўртоқ Олег Григорьевич **Макаровга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил, 2 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ О. Г. МАКАРОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи граждани Ўртоқ Олег Григорьевич **Макаровга** «Союз-12» кемасида космосда учишни амалга оширганлиги учун **«СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил, 2 октябрь.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВ АМЕРИКА — СОВЕТ ҚЎШМА САВДО-ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ Д. КЕНДАЛЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Савдо масалалари билан шуғулланувчи Совет — Америка комиссиясининг Москвада ўтказилаётган учинчи сессияси иши муносабати билан Совет Иттифоқига келган Америка — Совет қўшма савдо-иқтисодий кенгашининг раиси Д. Кендаллни КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев 2 октябрда Кремлда қабул қилди.

Ишчанлик, конструктив характерда ўтган суҳбат чоғида СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг баъзи масалалари ҳамда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда Америка савдо-саноат доираларининг ва совет ташкилотларининг роли муҳокама қилинди.

Суҳбатда СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари В. С. Алхимов ва КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров қатнашдилар.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Сомали Демократик Республикаси Олий революцион Кенгашининг вице-президенти Муҳаммад Али Самантарни 2 октябрда Кремлда қабул қилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет-Сомали муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ва халқаро аҳволнинг актуал проблемалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда Сомали Демократик Республикаси Олий революцион Кенгашининг аъзоси Муҳамуд Геле Юсуф, Сомали Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Аҳмад Муҳаммад Адан ва СССРнинг Сомали Демократик Республикасидаги элчиси А. С. Посютин иштирок этдилар. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЁРДАМЧИСИ, АҚШ МОЛИЯ МИНИСТРИ Ж. ШУЛЬЦ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин АҚШ Президентининг иқтисодий масалалар бўйича ёрдамчиси, АҚШ молия министри Ж. Шульцни 2 октябрда Кремлда қабул қилди.

Ишчанлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида АҚШ билан СССР ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳамда ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар тилга олинди.

Суҳбатда Америка томонидан АҚШ давлат секретарининг ўринбосари У. Кейси, АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили А. Дабс; совет томонидан ташқи савдо министри Н. С. Патоличев иштирок этдилар.

Улуғ Октябрь шарафига



Улуғ Октябрь 56 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб меҳнат қилаётган «Алмаликсвинецстрой» қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари Олмалиқ химия заводи иккинчи навбатини жадал суръатлар билан барпо этмоқдалар. Улар ишни уч сменада ташкил этиб, ойлик ва квартал қурилиш программаларини ошириб бажаришга эришаётирлар. Суратларда: (юқоридан пастга) 1. Улкан аммофос заводи иккинчи навбати қурилишининг кўриниши. 2. Комплекс қурилиш бригадасининг пешқадам аъзолари В. Ломаченко, М. Холмирзаев ва В. Спиридонов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотолари.

ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

⊙

Яқин-яқинларгача Музрабоднинг бу даштлари бўмбўшдек эди... Мана энди орадан бор-йўғи ўн-ўн беш йил ўтибди-ю, ҳаммаёқ ўзгариб кетибди: қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу чўлда ақл бовар қилмайдиган ўзгаришлар рўй берди. Кўз илгамас бепоён далалар оппоқ чойшаб ёйгандек пахтазорлар билан қопланиб ётибди. Ҳамма ёқда боғ-роғлар, обод посёлкалар қад кўтарган, замонавий шинам шаҳарчалар барпо этилган.

«Комсомолобод» совхозининг марказига етиб келганимизда азим бир шаҳарга кириб келгандек бўлдик. Бу буюк ўзгаришларнинг ҳаммаси Коммунистик партия ва совет кишиларининг иродаси билан амалга оширилмоқда. Совхоз партия ташкилотининг секретари, тажрибали пахтакор Назиртош Тўраев хўжаликнинг кейинги учтўрт йилда босиб ўтган йўли ҳақида қуйидагиларни айтиб берди:

— Совхозимиз 1969 йилда 4800 гектар майдонга чигит экиб, гектаридан 16,3 центнердан, жами 8576 тонна хирмон кўтарган, ҳосилнинг 3255 тоннасини машиналарда териб олган эди. 1972 йилда ҳосилдорлик 24,6 центнерга, ялпи ҳосил эса 12.325 тоннага етди. 8004 тонна пахта «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Хўжалигимиз ишчиларининг бу йилги марралари янада юксак: улар беш йилликнинг учинчи йилида ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиб, 14.000 тонналик хирмон яратиш, шунинг 10.800 тоннасини машиналар билан териб олишга қарор қилганлар.

Бизни совхознинг илғор участкаларидан бири — 5-бўлим партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига таклиф этишди. Бўлим идораси атрофини бодроқ бўлиб очилган пахтазор уммони қоплаб ётибди. Бўлим бошлиғи коммунист Ййлов Саломов атрофга кўз ташлар экан, унинг нигоҳидан етиштирилган мўл ҳосилдан мамнунлиги, қалби қувончга, руҳи ишончга тўлалиги яққол сезилиб турарди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун курашаётган бўлим ишчиларининг кайфи чог, руҳи тетик. Пайкаларда 18 та «зангори кема» жавлон уряпти. Бу ерда ҳар куни йиллик планнинг 3,5—4 проценти ва ундан ҳам ошириб пахта тайёрланмоқда. Сентябрь охиригача йиллик планни, октябрь ўрталаригача эса зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун бошланган социалистик мусобақа кундан-кун қизғин тус олмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасига бўлим коммунистлари бош-қош, карвонбоши бўлмоқдалар.

Кеч соат 7 да бўлимдаги 17 нафар коммунистнинг «ҳаммаси жамул-жам бўлди. Цех партия ташкилотининг секретари Юсуф Ҳуррамов ҳисобот докладида ташкилотнинг бир йиллик ишига якун ясади, коммунистлар олдида турган вазифаларга муфассал тўхталиб ўтди.

Цех партия ташкилоти ҳисобида 17 коммунист бўлиб, улардан 7 киши пахтачилик бригадаларига раҳбарлик қилади, 6 коммунист механизатор, икки киши сувчи, бир киши бўлим бошлиғи ва биттаси ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. Коммунистлардан Эштемир Абдиев, Йўлдош Менглиев, Тошмурод Самонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ишчилари ўтган йили гектаридан 41-46 центнердан хирмон кўтариб, совхозда энг юқори ҳосил етиштиришдилар. Улар бу йил 50 центнерлик хирмон учун курашяпти-лар. Бўлим ишчилари 1972 йилда 560 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил териб олган эдилар. Улар бу йил гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» сотиш учун курашяпти-лар. Бу илғор бўлим коммунистлар етакчилигида ва бутун коллективнинг шижоатли меҳнати туфайли ўтган йили фақат пахтачиликнинг ўзидангина 883 минг сўм даромад қилди. Соф фойда 164 минг сўмни ташкил этди. Ишчиларга 104 минг сўм қўшимча иш ҳақи ва мукофот тўланди. Моддий манфаатдорликнинг ошиб бориши меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига олиб келмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар ҳам очиб ташланди. Цех партия ташкилоти коммунистлар билан ишлаш хотинқизлар ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни яхшилаш каби масалаларга етарли эътибор бермаган. Бўлимдаги 13 пахтачилик бригадасидан атиги биттасидагина партия группаси бор. Аммо бу партия группаси ҳам онда-сонда хўжалик ишларига доир масалалар юзасидан палапартиш йиғилишлар ўтказишдан нарига ўтмаган. Цех партия ташкилоти ва унинг бюроси эса партия группаси иши билан қизиқмаган.

Музокарада сўзга чиққан коммунист, 50 центнерчи бригада бошлиғи Ёқуб Жўраев комплекс механизацияни жорий этиш, айниқса терим агрегатларидан унумли фойдаланиш масаласида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни очиб ташлади. Пахта териш машиналарининг механиги Зоир Аллаев ўз ишига совуққонлик билан қарайди. Шу кунгача терим агрегатларининг ҳаммаси тўла ишга туширилган эмас, машина терими икки сменада ташкил этилмаган. Бу аҳволда қандай қилиб 1630 тонна пахтани, ёки ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олиш, планни 18 иш кунида бажариш мумкин?!» — деди у куйиниб.

Коммунистлардан сувчи Ҳолтўра Норқобилов, бригадир ва механик-ҳайдовчи Фотима Аҳмедова ўртоқлар ўз сўзларида цех партия ташкилотининг нуқул хўжалик ишлари билан шуғулланиб, сиёсий-тарбиявий, ташкилий ишларга етарли эътибор бермаётганлигини қатъиқ танқид қилдилар.

Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхозининг 5-бўлими цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида, коммунистларнинг актив иштирокида ўтди. Бунга совхоз партия комитетининг, қолаверса цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ўтказиш учун аввалдан пухта тайёргарлик кўрганлиги туфайли эришилди.

Бўлим партия ташкилотига ўтган коммунистлар тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзларининг бутун кучғайратларини сафарбар этишга қаратилган қарор қабул қилдилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда иқтисодий проблемалар юзасидан назарий семинарлар раҳбарларининг тўрт кунлик зонал семинари бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР партия маорифи пропагандистларидан 300 киши иштирок этди.

Семинарда КПСС XXIV съезднинг иқтисодий билимлар пропагандасини кучайтириш бўйича кўрсатмалари асосида 1973-1974 ўқув йилидаги асосий вазифалар, КПСС XXIV съезди қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳақида, партия XXIV съезди қарорларини амалга оширишда КПССнинг халқаро фаолияти каби актуал мавзуларда лекциялар тингланди.

Л. ЭРҒАШЕВ.

СОВЕТ ХОДИМИ МИНБАРИ

ХИЗМАТГА БЕЛ БОҒЛАДИК

Қорақўл райони меҳнаткашлари бу йил зиммаларига катта мажбурият олганлар. Улар она-Ватанга 72 минг тонна «оқ олтин» етказиб берадилар. Ҳозир районимиз меҳнат аҳлининг бутун диққат-эътибори йиғим-теримни зўр уюшқоқлик, жипслик ва юксак интизом билан олиб боришга, кунлик суръатга суръат қўшишга қаратилган.

Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитети пахта теримида қатнашаётганлар учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга интилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлаш пунктларининг 1973 йил пахта қосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисидаги қарорида пахта теримида банд бўлгач аҳолига намунали маданий-маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатиш лозимлиги уқтириб ўтилади. Шуни кўра, район Совети ижроия комитетининг навбатдаги сессиясида далада ишлаётганларга хизмат кўрсатишни кучайтириш масаласи доир масалалар юзасидан палапартиш йиғилишлар ўтказишдан нарига ўтмаган. Цех партия ташкилоти ва унинг бюроси эса партия группаси иши билан қизиқмаган.

Музокарада сўзга чиққан коммунист, 50 центнерчи бригада бошлиғи Ёқуб Жўраев комплекс механизацияни жорий этиш, айниқса терим агрегатларидан унумли фойдаланиш масаласида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни очиб ташлади. Пахта териш машиналарининг механиги Зоир Аллаев ўз ишига совуққонлик билан қарайди. Шу кунгача терим агрегатларининг ҳаммаси тўла ишга туширилган эмас, машина терими икки сменада ташкил этилмаган. Бу аҳволда қандай қилиб 1630 тонна пахтани, ёки ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олиш, планни 18 иш кунида бажариш мумкин?!» — деди у куйиниб.

Коммунистлардан сувчи Ҳолтўра Норқобилов, бригадир ва механик-ҳайдовчи Фотима Аҳмедова ўртоқлар ўз сўзларида цех партия ташкилотининг нуқул хўжалик ишлари билан шуғулланиб, сиёсий-тарбиявий, ташкилий ишларга етарли эътибор бермаётганлигини қатъиқ танқид қилдилар.

Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхозининг 5-бўлими цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида, коммунистларнинг актив иштирокида ўтди. Бунга совхоз партия комитетининг, қолаверса цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ўтказиш учун аввалдан пухта тайёргарлик кўрганлиги туфайли эришилди.

Бўлим партия ташкилотига ўтган коммунистлар тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзларининг бутун кучғайратларини сафарбар этишга қаратилган қарор қабул қилдилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

мат пункти ишлаб турибди. Қишлоқлардаги ўнлаб кутубхоналар, ўқиш заллари, кинотеатрлар, кўчма дўконлар, сартарошлик ва этикдўзлик устаханалари, радио ва телеателелар ўз ишларини дала меҳнаткашлари ҳузурига кўчиришган. Улар кунига 1500-2000 кишига хизмат кўрсатмоқдалар. Бу соҳада депутатларимиз айниқса ўрнак бўлмоқдалар.

Область Советининг депутати М. Шерипов раислик қилаётган «Октябрь» колхозида бир вақтнинг ўзида 1100 кишига маданий-маиший хизмат кўрсата оладиган маиший хизмат комбинати ишлаб турибди. Комбинат ходимлари хўжаликнинг барча бригадаларида, дала шийпонларида пахтакорларга хизмат кўрсатмоқда. Колхоз меҳнат аҳли бундай қулай шароитлардан руҳланган ҳолда ҳал қилувчи йилда давлатга 6500 тонна пахта етказиб бериш учун унумли меҳнат қилмоқдалар. Бу ердаги Азим Раҳмонов, Бозор Пардаева каби депутатлар бошлиқ бригадалар кунига йиллик планнинг 6-8 проценти миқдорида пахта тайёрлашга эришмоқдалар.

Знёрат қишлоқ Советида жойлашган «Москва» колхозининг деҳқонлари ҳам қулай иш шароити яратиб берилганидан мамнун бўлмоқдалар. Хўжаликда 12 дўкон, 15 медицина пункти, бир нечта донмий ва мавсумий болалар боғчалари, нонвойхоналар, ошхоналар пахтакорлар хизматида. Колхознинг Мамат Ганиев бошлиқ бригадаси пахтакорлари республикада биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекди. Хўжалик механик-ҳайдовчилари Ўзбекистон ССР механизаторларининг мамлакатдаги барча пахтакорларга қарата ёзган мактубига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Бу ерда ишлаётган 20 дан ортиқ терим машинаси билан кунига йиллик планнинг 2-2,5 проценти миқдоридаги пахта бункерлардан тўкилмоқда. Ҳайдар Бозоров, Сано Ғадоев, Санобар Бақоева каби моҳир механик-ҳайдовчилар мавсумда 300-350 тоннадан дурдона тўкишга енг шимарганлар.

Районимиз механик-ҳайдовчилари мавжуд 260 «зангори кема», 800 га яқин трактор тележкаларидан самарали фойдаланиб, ялпи ҳосилнинг 50 процентини ёки 35 минг тонна «оқ олтин»ни машиналарда саранжом-саришталаб олишга сўз берганлар. Бу қимматли ҳаракат район Совети, унинг кўп сонли депутатлари томонидан мақулланган. Ҳозирги вақтда «Правда» колхозидан Ҳайрулла Шукруллаев, «Октябрь» колхозидан Раъно Собирова, «Шарқ юлдузи» колхозидан, Рўзигул Ҳамроева, «Москва» колхозидан Ҳайдар Бозоров, каби энг яхши механизаторларнинг номлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда. Улар «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли серунум машиналарда кунига 12-15 тонна пахта етказиб пахта термоқдалар.

Район депутатларининг ташаббуси билан барча дала шийпонлари деҳқонларнинг иккинчи уйига айлантирилди. 240 дала шийпони намунали жиҳозланиб, уларда кўчма аптекалар ошхоналар, болалар боғча-ясли-лари ташкил этилди.

Район киноластириш, маданият бўлимларининг фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Ҳозир далада ишлаётганлар учун 30 дан ортиқ кўчма кино қурилмаси ёрдамида хизмат кўрсатилаяпти. Ф. Муҳиддинов, Т. Дадаевлар кино хизмати кўрсатишни яхши ташкил этиш тўфайли меҳнаткашлар ўртасида ҳурмат қозонганлар. Депутат Султоной Аминжонова бошқараётган район маданият бўлими коллективи колхозларда, дала шийпонларида бадиий ҳаваскорларининг ранг-баранг программада мазмунли чиқишларини уюштирмоқда. Бу тадбир меҳнаткашларга эстетик завқ бахш этмоқда. Уларни меҳнатда янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Район Совети, қишлоқ ва посёлка Советининг депутатлари пахтакорларга намунавий маданий-маиший иш шароити яратиб беришни ўзларининг муқаддас бурчи, жонажон иши деб билмоқдалар. Депутатларимизнинг ғамхўрлигидан руҳланган пахтакорларимиз йиллик план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

С. ЖЎРАЕВ,
Қорақўл район ижроия комитетининг раиси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛИ ХАРИДОРБОПМИ?»

Министрлик газета мақоласини синчиклаб ўрганиб чиқди. Унда кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлган муҳим масала жуда тўғри кўтарилган. Тайёрланаётган пойафзалнинг сифати талабга жавоб бермаслиги, пойафзал корхоналарининг ишидаги камчиликлар ҳақконий танқид қилинган.

Пойафзалнинг сифатини яхшилаш, уни харидоргир қилиш мақсадида министрлик коллегияси белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Самарқанд кўн заводида пойафзал саноати хом ашёсининг сифатини яхшилаш мақсадида янги технология жараёни ўзлаштирилди. Завод маҳсулотидан республика пойафзал фабрикалари хотин-қизлар ва болалар учун 500 минг жуфт сифатли ёзги пойафзал тайёрлади.

Барча фабрикаларда моделли бежирим пойафзал тайёрлаш цехлари очилди. Министрлик янги синтетик кўн олди. Ҳозир ундан моделли пойафзалнинг янги турлари тайёрланмоқда. Яқин орада Кўқон шаҳрида хром кўн заводи ишга туширилади. Шундан кейин Самарқанд кўн заводи майда теридан хром ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади.

Министрлик тайёрланаётган маҳсулотнинг турини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун қатъият билан кураш олиб бормоқда.

Газетамизнинг 25 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолага Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигидан ана шундай жавоб олинди.

СОЦИАЛИЗМДА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

⊙

Жамиятнинг энг мураккаб проблемаларидан бири бўлган миллий масаланинг чинакам илмий ва адолатли тарзда моҳиятини ҳал этилганлиги КПССнинг социалистик ва коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига қўшган жаҳонгир ҳиссаларидан биридир. Миллий масала бизнинг мамлакатимизда чиндан ҳам радикал равишда ва улкан миқёсда ҳал қилинди. Советлар мамлакати — дунёдаги энг кўп миллатли давлат бўлиб, унда турли тилларда сўзлашувчи, иқтисодий ва маданий тараққиётда, турмушда ўз хусусиятларига, урф-одатларига ва анъаналарига эга бўлган, бир-бирларидан кўп белгилар билан фарқланувчи ва айни вақтда ягона тақдир, ягона Ватан — буюк Советлар Иттифоқига бирлашган юздан ортиқ миллат ва элатлар яшамоқда. Кўп миллатли социал монолит бўлган СССР инсоният тарихида биринчи таркиб топди. СССР халқлари бузилмас бирлиги ва дўстлигининг вужудга келиш тарихи, кўп миллатли совет социалистик давлатининг ҳар томонлама ривожланиш тарихи, барча совет республикаларининг СССР составида чинакам равнақ топиш тарихи — бу марксизм-ленинизм, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шаънига янграган гимнидир — бу халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ғоявий хазинасига қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

СССР халқлари барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар билан биргаликда дунёда биринчи кўп миллатли социалистик давлат бўлмиш ССР Иттифоқининг 50 йиллигини тантанали нишонладилар. Украин, белорус, грузин, арман, озарбайжон, қозоқ халқлари совет миллий давлати тараққиётининг ярим асрлик йўлини муносиб нишонладилар. Эндиликда эса Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ССРнинг ҳамда шу республикалар Коммунистик партиялари ташкил этилганлигининг 50 йиллиги яқинлашмоқда. Ҳар бир совет республикасининг юбилейини совет халқлари кўп миллатли оиласининг катта байрами сифатида нишонлаш бизда одат тусига кириб қолди. Юбилей байрамлари кунларида қардош халқлар босиб ўтилган шонли йўлга яна бир бор назар ташлаб, бир-бирларига берган катта ва беғараз ёрдамлари учун, оғалик ҳамкорликлари учун миннатдорчилик ҳис-туйғуларини изҳор қиладилар, иқтисодий ва маданий соҳада эришган улкан ютуқларнинг сабабларини таҳлил қиладилар ҳамда бундан кейинги янада тез тараққиёт режаларини белгилайдилар.

СССРнинг 50 йиллигини байрам қилганимиздан буён бир мунча вақт ўтган ва совет халқи ўзининг иккинчи 50 йиллигига қадам қўйган бўлса-да, Совет Республикалари Иттифоқини халқлар дўстлиги ва қардошлигининг қалъасига айлантирган факторлар, совет халқи буюк ғалабаларнинг манбалари, КПСС ленинча миллий сиёсатининг кучи ва донолиги ҳаммамизни ҳамон тўлқинлантириб келмоқда. Совет кишилари халқлар дўстлиги ва қардошлиги, социалистик интернационализм байроғи остида коммунистик жамият қуриш иштиёқи билан яшамоқдалар ва фаол меҳнат қилмоқдалар. Бу ўринда гап совет халқлари дўстлигини бундан кейин ҳам кўз қорачиғидек асраш тўғрисида, ҳозирги замон тараққиётининг энг муҳим фактори бўлган совет халқлари бирлиги ва жипслигиниг оромбахш таъсирини тағин ҳам кучайтириш тўғрисида бормоқда.

Партия миллий масалани революциядан аввалги ўтмишдан бизга қай тарзда қолган бўлса, шуни тўла-тўкис ҳал қилди. Улуғ Октябрь Социалистик революциясига қадар бизнинг мамлакатимизда миллатлар ўртасидаги муносабатлар манзараси қандай эканлиги ҳаммага аён. Баъзи миллатлар мазлум бўлиб, баъзилари имтиёзли эди. Қаттиқ миллий зулм эксплуатациянинг энг шармандали шаклларида намоён бўлиш билан бирга, шахснинг қадр-қимматини таҳқирлашда, мазлум халқлар учун кўпдан-кўп юридик ва амалий чеклашларда, кишиларни ҳар хил табақаларга ва қатламларга бўлишда, миллий қирғинларда, бир халқларни бошқа халқларга қарши гиж-гижлатишда, бир миллатнинг бошқа миллатга нисбатан «устунлиги» тўғрисидаги ҳар хил «назариялар»да ва шу сингари кўпдан-кўп иллатларда ҳам яққол кўзга ташланарди.

Мазлум миллатлар ҳар жиҳатдан таҳқирланар эди. Ҳозирги вақтда ҳам миллий масала АҚШ, Канада, Бельгия, Англия, Колумбия ва бошқа капиталистик мамлакатларда жуда ўткир масала бўлиб турибди. Қаттиқ таъқиблар, очлик, ҳар хил касалликлар АҚШнинг азалий халқи бўлмиш ҳиндиларни кўплаб қириб юбормоқда. Капитализм апартеид ва сегрегация сингари тушунчаларни келтириб чиқарди. Бу — ирқий камситиш, танасининг рангига ва миллий мансублигига қараб уларнинг ҳуқуқларини турли хил йўллар билан чеклаш демакдир. Капитализм геноцид деган тушунчани ҳам келтириб чиқарди. Бу — аҳолининг айрим группаларини ирқий ва миллий белгиларга қараб жисмонан йўқ қилиш демакдир. Совет Иттифоқи Бош Ассамблея сессиясига апартеидни тугатиш ва апартеид учун жазолаш тўғрисидаги конвенция лойиҳасини кўриб чиқиш ҳақида таклиф киритди. Чунки, халқлар ўртасидаги мусофаларда ирқий белгиларга асосланган камситишларга йўл қўйиб бўлмайди.

Миллатлараро муносабатлар проблемаси барча капиталистик мамлакатлар олдида турибди. Ҳатто Бельгиядек кичик бир мамлакатда ҳам волонцлар билан фламандлар ўртасида зиддият бор. Англияда ирландлар проблемаси, «қора танли» аҳоли деб аталадиган проблема тобора ўткирлашмоқда. АҚШ Компартиясининг Бош секретари СССРда халқлар дўстлиги ва қардошлиги сиёсатининг тантанасини эўр фахрланиш билан характерлаб шуни қайд қилган эдики, «АҚШдаги жирканч ирқчилик зулмининг янги тўлқинлари бунинг тамомила тескарисидир».

1972 йилда Колумбияда 16 нафар ҳинди ваҳшийларча ўлдирилганлиги бутун жаҳон афкор оммасининг нафратини қўзғатди. Бунинг энг даҳшатли томони шундаки, суд вақтида қотиллар: биз ҳиндиларни ўлдириш жиноят эмас, чунки улар қириб юборилиши керак бўлган ҳайвондан бошқа нарса эмас деб ўйлабмиз, деб жавоб бердилар. Шундай қотилларни суд оқлаб юборди. Капитализм тобора авж олдираётган ирқчиликнинг моҳияти ана шундай.

Буржуа идеологлари турли миллатлар, ирқлар, динларга мансуб бўлган кишилар ўртасида антогонизм бўлиши муқаррар, улар ўртасидаги низолар инсонларнинг яшаш тарзида бўлиб турадиган шунчаки бир оддий воқеадир, деган хулоса чиқариб, унга ҳаммани ишонтиришга беҳуда уринмоқдалар.

Марксизм-ленинизм буржуа идеологларининг бундай эътиқодларига миллий масала бўйича илмий жиҳатдан асосланган назария ва программани қарама-қарши қўймоқдалар. Миллий масала социал тузум билан боғлиқдир. К. Маркс ва Ф. Энгельс кўрсатган эдиларки, буржуазия «инсонлар орасида қуруқ манфаат ва шафқатсиз «нақдина» алоқасидан бўлак ҳеч қандай восита қолдирмади», у «инсоннинг қадр-қимматини олмашув қимматига айлантириб қўйди».

К. Маркс ва Ф. Энгельс миллий масалани ҳал қилишни социалистик революция ва социалистик қурилиш билан боғладилар. Кўп миллатли социалистик давлат қуришнинг совет тажрибаси миллий масала бўйича марксча-ленинча таълимотнинг ҳаётийлигини тўла равишда исботлаб берди. СССРда миллий зулм батамом тугатилди, элатлар ўртасидаги ҳуқуқий ва амалий тенглик тўла қарор топди, халқлар дўстлиги ва қардошлиги идеологияси, социалистик интернационализм принциплари тантана қилди. Бу жиҳатлар Совет Конституциясида ўзининг ёрқин ифодасини топгандир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси социал ва миллий озодлик байроғи остида ўтказилди. Социалистик қурилиш давомида озод бўлган халқлар ва элатлар ҳуқуқларда тенглашиш билан бирга, ўз тараққиётида илгарилаб кетган бошқа халқларнинг ёрдамига таянган ҳолда ўзларининг иқтисодий ва маданий қолоқ-

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛГОРЛАРИ

ҚУТЛУҒ ОДИМЛАР

«Машинасозликда меҳнат унумдорлиги 1,5-1,8 баравар оширилсин». СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларидаги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларида кўрсатилган бу рақамлар биз машинасозлар зиммасига улкан вазифалар юклайди. Корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари партия томонидан қўйилган улкан вазифаларни бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Заводимиз коллективи ўтган йили қувончли натижаларни қўлга киритди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини 102,3 процент бажарди. 1971 йилдагига нисбатан 791 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, балки барча цехлар, участкалар, бригадалар ўртасида беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги ва ишчи, инженер-техник ходимлар бу борада катта ижодий иш олиб борганлиги самараси бўлди.

Корхонанинг 2100 та ишчиси, инженер-техник ходимларидан 345 киши коммунистик меҳнат зарбдори, 176 коллектив коммунистик меҳнат бригадаси номини олди. 142 бригада эса ана шундай юксак ном учун курашмоқда.

Шу кеча-кундузда корхонанинг 20 дан ортиқ йигит-қизлари олий ўқув юртларида, 132 киши техникумларда, 80 киши ўрта мактабларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишини давом эттирмоқда. 1000 дан ортиқ ишчи, инженер-техник ва хизматчилар эса сиёсий маориф шохобчаларида билим ва малакаларини оширишмоқда.

Заводимизда 550 киши республикамизнинг таниқли тўқимачилари ташаббусига қўшилиб, 1974 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти. Улар мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдек улуғвор ишга муносиб ҳиссаларини қўшяпти.

Бўрибой ШЕРМАТОВ,
Андижон машинасозлик заводининг смена мастери.

ҚАҲРАМОН БОШЛИҚ БРИГАДА ҒАЛАБАСИ

АНДИЖОН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Машҳур теримчи, Улуғ Ватан урушининг инвалиди, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исомиддин Арабов Пахтаобод районида янги ташкил топган «Мадамият» колхозида 102 гектар тошлоқ ерни ажратиб олиб, унга барака уруғи қадаган эди. Қаҳрамон раҳбарлик қилаётган бригада йиллик пахта тайёрлаш планини беш иш кунида бажарди. Янги ўзлаштирилган ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан хирмон кўтарилди. Топширилган пахтанинг ҳаммаси машиналарда теріб олинди.

Бригада аъзолари ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказишмоқчи.

ДОН ДАВЛАТГА

Республика областларида маккажўхори дони ва шоли тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 3 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — ўрилган маккажўхори (топширилган нисбатан процент ҳисобида); учинчи стун — топширилган маккажўхори дони (топширилган нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи стун — ўрилган шоли (планга нисбатан процент ҳисобида); бешинчи стун — топширилган шоли (топширилган нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	65,4	101,3	31,3	5,3
СИРДАРЕ	68,9	100,1	16,5	5,4
СУРХОНДАРЕ	88,2	100,0	45,0	43,7
АНДИЖОН	93,1	100,0	38,3	30,9
ҚАШҚАДАРЕ	80,7	100,0	планда белгиланмаган	
Фарғона	51,4	99,1	34,6	17,4
Наманган	71,2	93,3	41,3	30,1
Самарқанд	55,7	91,6	35,8	1,6
Бухоро	69,2	80,5	планда белгиланмаган	
Хоразм	52,7	41,8	61,7	31,2
ҚҚ АССР	57,4	21,9	26,0	28,2
Республика бўйича:	68,1	86,5	32,5	23,0

Планетамизда

МУЖИБУР РАҲМОН БИЛАН СУҲБАТ

ДАККА, 2 октябрь. (ТАСС мухбири). Бангладеш Халқ Республикасининг Бош министри Мужибур Раҳмон ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Бизнинг мамлакатимиз ҳозирги вақтда хўжаликни тиклашнинг мураккаб даврини бошидан кечирмоқда. Урушдан кейинги дастлабки йилларнинг нималигини яхши билган совет халқи бизнинг қийинчиликларимиз ва проблемаларимизни тасаввур эта олади. Олдимизда турган вазифаларни ҳал этмоқ учун мамлакатдаги барча демократик кучларнинг бирлиги катта аҳамиятга эгадир.

Бош министр ватанпарварларнинг уч партияси — Халқ иттифоқи, Миллий халқ партияси ва Бангладеш Компартияси ҳаракат бирлигининг аҳамияти ва истиқболлари тўғрисида берилган саволга жавоб қайтариб, бундай деди: Бирликка эришиш ҳамиша мамлакатдаги демократик кучларнинг мақсади бўлиб келди. Мақсад ва ҳаракатларнинг бирлиги озодлик курашида ғалаба қозонишимизга ёрдам берди.

Революцион озодлик кураши гирдобидан қолиб чиққан Бангладеш,— деди Бош министр, —тараққийпарвар кучларни, озодлик ва мустақиллик учун курашзётган барча халқларни қўллаб-қувватлайди. Тинчлик учун, барча давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини амалга ошириш учун кураш-ташқи сиёсатимизнинг ўзгармас йўлидир.

Бизнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларимиз ана шу адолатли принципларга асосланади. Шунинг учун ҳам бу муносабатлар ғоят самимий ва дўстона муносабатлардир. Биз халқингизнинг, ҳукуматингизнинг ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг дўстона ва самимий ҳайриҳоҳлигини доим сезиб турибмиз. Мен КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан учрашдим. У ўз халқининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан чекланмай, бошқа халқларнинг тақдири тўғрисида ҳам ташвишланаётган киши сифатида менда кучли таассурот қолдирди. Л. И. Брежнев инсониятнинг орзу-тилакларига мос бўлиб тушадиган тинчлик ва дўстлик сиёсатини ўтказиб келмоқда.

Бангладеш халқи мустақиллик йўлидаги курашимизнинг ҳал қилувчи кунларида ёрдам берганлиги учун совет халқидан ғоят миннатдордир. Хўжаликни тиклаш каби оғир даврда ҳам, деди Бангладеш Бош министри, совет халқи бизга катта ёрдам бермоқда. Бизнинг дўстона муносабатларимиз шу сайин мустаҳкамланиб боришига аминман.



АҚШ. Совет ва америкалик физик олимлар Чикаго шаҳри яқинидаги Батейви миллий тезлатгич лабораториясида ҳамкорликда илмий ишлар олиб бормоқдалар. Лабораторияда совет ва америка ускуналаридан фойдаланилмоқда. Суратда: Батейвидаги миллий тезлатгич лабораториясининг умумий кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

АЛЬЕНДЕНИНГ РАФИҚАСИ МЕКСИКАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ГАВАНА, 2 октябрь. (ТАСС). Чили Президенти марҳум Сальвадор Альенденинг рафиқаси Ортенсия Бусси де Альенде душанба куни бу ердан Мексикага жўнаб кетди. Маълумки, Чилида 11 сентябрда ҳарбий хунта томонидан қилинган тўнтаришдан кейин Мексика ҳукумати унга сиёсий бошпана берган эди.

Халқаро аэропортда Ортенсия Бусси де Альенде Куба Республикасининг Президенти Освальдо Дортикос, Бош министр ўринбосари Карлос Рафаэль Родригес, ташқи ишлар министри Рауль Роа ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари узатиб қолдилар.

Чили Президентининг рафиқаси ҳарбий хунта томонидан қилинаётган террор ҳақида сўзлаб бермоқ учун кейинчалик бир қанча мамлакатларга бориш ниятида.

«АВТОЭКСПОРТ» НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА

АМСТЕРДАМ, 2 октябрь. (ТАСС). Ер юзида Бутуниттифоқ «Автоэкспорт» бирлашмасининг кўчма виставкаси катта муваффақият билан ўтди. Унда Совет Иттифоқининг енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, мотоцикллар, велосипедлар, гараж жиҳозлари намойиш қилинди. Голландия газеталари, телевидениеси ҳамда савдо фирмалари совет автомобилларининг юксак техникавий кўрсаткичларини, шинам ва пухталигини таъкидлаб ўтишди. Совет кўчма виставкаси Голландиядан ташқари ғарбий Европанинг яна 16 мамлакатида намойиш қилинади.

М. ДОВУДНИНГ АЙТҒАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 1 октябрь. (ТАСС). Афғонистон Республикаси давлатининг бошлиғи ва Бош министри Муҳаммад Довуд Ҳиндистонда чиқадиган ҳафталик «Блитц» газетаси мухбири билан суҳбатда буйдай деди: «Бизнинг совет дўстларимиз билан муносабатларимиз ҳамиша дўстона бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай дўстона муносабат бўлиб қолаверади».

Давлат бошлиғи таъкидлаб ўтдики, «революция афғонистон ватанпарварлари томонидан ўйланиб ташкил этилди ҳамда тамомила ва фақат шулар томонидан амалга оширилди. Бу революция Афғонистоннинг ақл-идрокида, қалбида туғилди ва бошқа бирон чет мамлакат қўлининг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ».

Давлат бошлиғи айтдики, «Афғонистонни Республика деб эълон қилиб, шу билан халқ ҳуқуқини амалга ошириш ва миллий суверенитетни тўла барқарор қилиш йўлида биринчи қадамни қўйдик. Эндиликда биз замонавий илмий планлаштиришга ва техникага асосланган яхши мувофиқлаштирилган мустақил миллий экономикани яратиш йўлида янги қадамлар қўйишга тайёрланмоқдамиз».

«Биз ҳозирги вақтда экономикамиз соҳасида мерос бўлиб қолган ғоят жиддий проблемаларга дуч келмоқдамиз. Ҳозир биз мана шу оғир аҳволдан қутилишга ёрдам берадиган йўллар ва усулларни ялпи ўрганиш билан машғулмиз», — деди М. Довуд.

Республикада ер ислоҳоти ўтказилади, бу ислоҳот деҳқонлар кўпчилигининг манфаатига мувофиқ бўлади. Қишлоқ хўжалигида, ишлаб чиқариш ва истеъмол системасида кооперативлар ва кооператив компаниялари тузилади. Давлат ерларни мелиорациялаш ишларини, суғоришни йўлга қўяди ва бошқа тадбирларни амалга оширади.

ЧИЛИДА ҚОНЛИ ТЕРРОР

НЬЮ-ЙОРК, 1 октябрь. (ТАСС). Сантьягодан бу ерга келаётган хабарларга кўра, ҳарбий хунта Чили ватанпарварларига қарши қонли репрессияларни тўхтатмаётир. Пойтахтда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида оммавий тинтув ва ёппасига қамоққа олиш давом этмоқда. Ҳарбий маъмурлар озтина шубҳа билан ҳам кишиларни зиндонга ташламоқда. Ҳатто, хунтанинг расмий маълумотларига кўра, ўтган кунлар мобайнида пойтахтнинг ўзидагина 84 киши қамоққа олинган.

Бутун мамлакатда халқ бирлигининг таниқли сиёсий ва давлат арбоблارини овлаш давом этмоқда. Уларнинг фотосуратлари доимо газеталарда босиб чиқарилмоқда, телевидениенинг махсус программаларида кўрсатиб турилмоқда. Хунта излаётган Чили Социалистик партиясининг бош секретари Карлос Альтамирано гўё Венесуэла элчихонасида яшириниган деган овозалар чиқиши муносабати билан Венесуэла вакили шу хабарни рад қилди. Шу билан бирга у элчихона территориясида Чилининг 20 граждани турганлигини айтди.

Сантьяго вилоятининг собиқ префекти Хулио Стюардо қамоққа олинганлиги кеча маълум бўлди. Уни ҳарбий трибунал деб аталмиш суд кутяпти.

Американинг «Ньюсуик» журнали ҳарбий хунтанинг жиноятлари тўғрисида ўз мухбирининг Сантьягодан юборган репортажини «Сантьягода кунрезлик» деган сарлавҳа билан босиб чиқарди. Чилида террор мисли кўрилмаган кўламга чиқди, дейди автор. «Уликхонада ётган юзлаб мурдаларни ўз кўзим билан кўрдим, ўқ теккан жойлар улар тикка отиб ташланганлигидан далолат беради. Қариб ҳамма қурбонларнинг бош суяклари мажақланган. Улар орасида хотин-қизлар ҳам бор».

Сўнгра мухбир ўзида мавжуд маълумотларга кўра, бир қанча ҳолларда мурдалар вертолётларга солиниб, номаълум томонга олиб кетилганлигини ва бу мурдалар дарёларга ташланяпти, деб тахмин қилишаётганлигини ҳикоя қилади.

БОННН, 1 октябрь. (ТАСС). Оммавий репрессиялар Чили демократларининг продасини бука олмади. Мамлакатнинг бир қанча вилоятларида ҳарбий режимга қаттиқ қаршилик кўрсатилмоқда. «Шпигель» журналида эълон қилинган хабарда айтилишича: Чилининг жанубидаги Вальдивия вилояти қаршилик марказларидан бири бўлиб қолган. Маъмурлар ватанпарварлик ҳаракатини бостириш учун шу районга катта-катта кучлар ташлашди. Уларга танклар ва авиация мадад бермоқда. Каутин ва консепсьон вилоятларида ҳам жазо операциялари олиб борилмоқда.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ШОНЛИ САНА

УЛАН-БАТОР. (**АПН махсус мухбири**). МХРП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси «Монголия Халқ Республикасининг пойтахти Улан-Батор шаҳрининг ташкил этилганлигининг 50 йиллигини байрам қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда 1974 йилда ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлайдиган Улан-Батор монгол халқининг янги жамият қуришдаги курашида ҳал қилувчи тарихий роль ўйнади. Ҳужжатда республика марказини янада обод қилиш, қурилиш ишларини кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан тадбирлар белгиланган.

Келгуси йилда МХР пойтахти 330 ёшга тўлади. Халқ ҳокимияти йилларида шаҳар маданий-маиший комплексли замонавий ободонлашган ва транспорти яхши ташкил этилган марказлардан бирига айланди. 1939—1972 йиллар мобайнида аҳоли сони 8 баравар ошди, ҳозирда эса 300 минг кишини ташкил этади. Улан-Баторнинг завод ва фабрикалари мамлакат барча саноат корхоналарининг ярмидан кўп маҳсулотини бераётир. Пойтахт аҳолисининг ҳар тўртдан биттаси ўқимоқда. Кейинги йилларда шаҳарда 300 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой бинолари қурилди, уларнинг ярмидан кўпини совет бинокорлари томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Пойтахтнинг 40 процентга яқин аҳолиси ободонлашган уйларда истиқомат қилмоқда.

БОЛГАРИЯНИНГ ЯНГИ «ДЕНГИЗ ДАРВОЗА»ЛАРИ

СОФИЯ. (**«София — пресс» — АПН**). Янги Варна — Запад болгар порти фойдаланишга топширилди. «Мургаш» кемаси пристанининг биринчи меҳмони бўлди. Кема Мурманскийдан Девнен янги химия заводи саноат комплекси учун 8 минг тонна аппатит ортиб келди.

Порт Варна шаҳри яқинида қурилган бўлиб, қуруқлиқнинг 20 километр ичкарисига ҳам киради. Учта причал тайёрлаб қўйилди, йил охиригача яна учтаси фойдаланишга топширилади. 1975 йилнинг охирига бориб уларнинг сони 15 тага етказилади. Ҳар бир причалнинг узунлиги 240 метр.

ПОЛЬША МАҲСУЛОТЛАРИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВАРШАВА. (**«Интерпресс» — АПН**). Ўтган уч йил мобайнида Польша станокларини экспорт қилиш 46 процентга кўпайди. Польша станоксозлик саноати маҳсулотининг учдан бири экспорт қилинаётир. «Металэкспорт» саноат корхонаси ўзининг станок ва ускуналарини 100 дан ортиқ мамлакатга сотмоқда. Совет Иттифоқи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзолари бўлган бошқа мамлакатлар энг йирик заказчилардан ҳисобланишади.

ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

«МИЛЛАТ ТОМОНИДАН БЎЛАДИГАН ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ФАҚАТ МИЛЛАТЛАРНИНГ РАСМИЙ ТЕНГЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИШДАНГИНА ИБОРАТ БЎЛМАЙ, БАЛКИ ШУ БИЛАН БИРГА КАТТА МИЛЛАТ ТОМОНИДАН ЎРИН ҚОПЛАНАДИГАН ТЕНГСИЗЛИКДАН, ҲАЁТДА ҲАҚИҚАТАН ТАРКИБ ТОПАДИГАН ТЕНГСИЗЛИКЛАР ҲАМ ИБОРАТ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ. БУНИ ТУШУНМАГАН КИШИ МИЛЛИЙ МАСАЛАРА ҲАҚИҚАТАН ПРОЛЕТАРЧА МУНОСАБАТДА БЎЛИШНИ ТУШУНМАЙДИ».

Бизнинг мамлакатимизда рус халқи билан бошқа миллатлар ўртасидаги муносабатлар худди шу тарзда таркиб топди. Рус халқи СССР халқлари билан бўлган муносабатларда уларга социализм ва коммунизм қурилишида муттасил равишда ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқда ва бунда ҳеч вақт ўзининг хизматларини, ролини, буюклигини пеш қилмаётир. Эндиликда СССРдаги бошқа катта миллатлар ҳам кичик халқлар ва миллатларга нисбатан худди шундай роль ўйнамоқдалар.

РКП(б)нинг XII съезди шуни таъкидлаган эдики, кичик халқлар «агар уларга узоқ вақт давомида ташқаридан ҳақиқий ёрдам кўрсатилмаса, миллий жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлишлари натижасида олган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдалана олмайдилар, тараққиётнинг юқори босқичига кўтарила олмайдилар».

Кичик халқларга совет органлари томонидан кўп йўллар орқали, давлат, жамоат, хўжалик ташкилотлари, маданий юқартув муассасалари йўли билан худди шундай ёрдам кўрсатилди. Эндиликда кичик халқларнинг ўз ёзувчилари ва врачлари, ўқитувчилари ва шоирлари, атоқли жамоат ва давлат арбоблари бор. Ўтмишда ўз ёзувига эга бўлмаган 40 дан ортиқ халқ ўз ёзувига ва ривожланган адабий тилига эгадир. Мамлакатимиздаги халқлар ва элатлар ва айниқса кичик халқлар эришган ютуқлар ленинча миллий сиёсатнинг улуғворлиги ва донолиги самараси бўлиб, биз бундан ҳақли равишда фахрланамиз. Коммунистик партия барча миллатлар ва элатларнинг ҳар томонлама равнақ топишини таъминлаб, бу билан миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини бойитиши учун, барча халқлар учун ягона бўлган прогрессив урф-одатлар ва традицияларни, умумий коммунистик фазилатларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ш. ЎРАЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ХИМИЯ БИЛАН МЕДИЦИНАНИНГ ИТТИФОҚИ

2 октябрда Тошкентда «Медицинада ишлатиладиган синтетик полимерлар» деган мавзуда Бутуниттифоқ симпозиуми очилди. Симпозиумни тўрт илмий муассаса — СССР Министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг «Эндропротезлаш ишида полимерлар ва физиологик актив полимерлар» илмий кенгаши, СССР Фанлар академияси умумий ва техникавий химия бўлими ҳузуридаги юксак молекуляр бирикмалар илмий кенгаши, Узбекистон ССР Фанлар академияси, СССР химия саноати министрлиги пахта целлюлозаси химияси ва технологияси илмий-тадқиқот институти уюштирган.

Кенг программа асосида ўтказилаётган бу анжуманда химия, медицина ва илм-фаннинг бошқа тармоқлари намояндалари иштирок этмоқда.

Симпозиум тўрт кун давом этади. (ЎзТАГ).

Республикамиз пойтахти — Тошкент тобора гўзаллашиб бормоқда. Янги кварталлар, массивлар шаҳар кўркини, салобатини янада очмоқда. Суратда: Пушкин кўчасининг бугун ги кўриниши.

Ҳ. Носиров фотоси.

ВЕТЕРАНЛАР УЧРАШУВИ

БУХОРО. Тожикистон ССР Ленинобод областидаги революция ва меҳнат ветеранларининг бир группаси Бухородаги революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати клуби аъзолари ҳузурида бир неча кун меҳмон бўлди. Бу ерда ўтказилган дўстлик кечасида тожикистонлик меҳмонлар ўз хотираларини, ўртоқлашдилар. Ленинободдаги ветеранлар клубининг ишлари тўғрисида гапириб бердилар. Революцион, жанговар ва меҳнат традицияларини пропаганда қилиш соҳасидаги тажрибаларини фикрлашдилар.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ

ҚУЙИДАГИ ИНСТИТУТЛАР ҚОШИДАГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Беруний номидаги Тошкент Политехника институти.
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети.
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.
Тошкент халқ хўжалик институти.
Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти.
Тошкент автомобиль транспорти институти.
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти.
Тошкент медицина институти.
Тошкент театр-рассомчилик институти.
Тошкент Давлат консерваторияси.
Тошкент Қишлоқ хўжалик институти.
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти.
Тошкент Алоқа-электротехника институти.
Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти.
Самарқанд архитектура-қурилиш институти.
А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети.
Самарқанд Медицина институти.
Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти.
Фарғона Давлат педагогика институти.
Фарғона Политехника институти.
Андижон Медицина институти.
Андижон Давлат педагогика институти.
Андижон Пахтачилик институти.
Қорақалпоқ Давлат педагогика институти.
Қарши Давлат педагогика институти.
Бухоро Давлат педагогика институти.
Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти.

Ҳужжатлар — 10 ноябргача қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимларига ўрта маълумотли (шунингдек ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларини тугатиб ўрта маълумот олганлар) **илғор ишчилар ва колхозчилар, шунингдек ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинади.**

Ўқишга юборишга номзодларни танлаш ва йўлланма бериш корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозлар, ҳамда ҳарбий қисмлар партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ишлаб чиқариш кенгашлари ёки коллектив мажлисларида амалга оширилади.

Ўқишга юборилганлар йўлланмадан ташқари олий ўқув юртларига қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат (асли), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см. бош кийимсиз тушилган), соғлиги тўғрисидаги 286-формадаги медицина справкаси. Паспорт ва ҳарбий билет (ёки рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) шахсан кўрсатилади.

Ўқишга қабул қилиш суҳбатдан сўнг ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Етоқхона (бошқа жойлардан келганларга) **ва стипендия умумий асосларда берилади.**

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИНГ БИТИРУВ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАНЛАР ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ БИРИНЧИ КУРСГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Шифокор минбари

ТОЗАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Аҳолининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашда тозаликнинг роли беқиёс. Шунинг учун ҳам шаҳар ва қишлоқларимизнинг озода ва саранжом-саришта бўлишига доимо катта эътибор берилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг йил сайин кенгайиб, чиройига-чирой қўшилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Лекин шаҳримизнинг ҳуснини бузиб, кўнгилни хира қиладиган, унинг жамолига «доғ» бўладиган жойлари, афсуски, ҳамон бор.

Республикамизда, жумладан, шаҳримизда озодалик ва санитария аҳволини яхшилаш борасида катта ишлар қилиняпти. Шаҳар партия ва совет ташкилотлари, соғлиқни сақлаш органлари бу ишга бошчилик қилиб, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар, саноат корхоналари, илмий муассасалар, уй-жой бошқармалари ва умумий овқатланиш тармоқларида, озиқ-овқат магазинларида санитария-гигиена шароитини яхшилаш тадбирларини амалга ошираётирлар.

Ҳозир шаҳарнинг ҳар бир районида озодалик штаблари ишлаб турибди. Улар жойларнинг санитария-гигиена ҳолатларини текширмоқдалар. Баъзан тозалик — саломатлик гарови эканлигини тушуна туриб, унга ҳамон риоя қилмаётган кишилар ҳам борлигини аниқламоқдалар. Бундай кишилар ўзларининг бепарволиги аҳоли сиҳат-саломатлигига, қолаверса, жамиятга катта зиён келтиришини ўйлаб кўрмаётирлар. Айрим корхоналар, умумий овқатланиш тармоқларидаги аҳвол санитария-гигиена талабларига тўла жавоб бермаётир. Айниқса шаҳримиздаги бозорларнинг санитария маданияти анча паст. Масалан, Октябрь бозори, Фарҳод, Паркент бозорларидаги мавжуд аҳвол бунга яққол мисол бўлади. Лекин бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай, шаҳар бозорлар трести бошқармасидаги раҳбар ўртоқлар бу давлат аҳамиятига эга бўлган ишга лоқайдлик билан қараётирлар. Мавжуд камчиликларни тугатиш учун конкрет чоратадбирлар кўрмаётирлар.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бундай ҳолларда айбдорларга нисбатан жиддий талаблар қўйишга мажбур бўлмоқда. Масалан, Киров «Райпишчеторг»ига қарашли 13- озиқ-овқат магазини (мудири Хачатуров) бинои ва омбори антисанитария ҳолатига тушиб қолган. Мавжуд ускуна ва жиҳозлар эскириб кетган. Совутиш камераси ифлос. Магазин ичида турли-туман касалликлар тарқатувчи пашшалар ғужғон ўйнаётганлигига қарамай, уларни йўқотиш учун ҳеч қандай чора кўрилмаган. Савдо тўхтатилмай, ремонт ишлари олиб борилаётганлиги учун мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиб бўлмайди. «Райпишчеторг»нинг мавжуд икки кафолат хатида санитария-гигиена талабларига тўла амал қилишга ваъда берилган. Лекин ваъда қоғозда қолиб кетган. Шунинг учун ҳам шаҳар санитария-эпидемиология станцияси мазкур магазинни ёпиш ҳақида қарор қабул қилди. Госпиталь бозори яқинига жойлашган «Ташхлебторг»га қарашли 7- магазин (мудири Р. А. Фиренштейн)да аҳвол шунга бориб етганки, сотувчилар бошларидаги кир-чир калпоқча ва дуррачалар билан савдо қилаверишади.

Ленин район ошхоналар трестига қарашли «Узмасориторг» базаси (бошқарувчиси Маҳкамов) ҳузуридаги 14-ошхона (мудири В. Каноатов) жорий ремонт қилинмаган. Бино деворлари ва поллари путурдан кетган. Мавжуд асбоб-ускуна ва мебеллар бўялиши керак. Шамоллатиш системаси ишламайди. Ҳўрандаларга хизмат кўрсатувчи кишилар шахсий гигиена талабларига риоя қилмаётирлар. Нон сақланадиган жойлар ифлос. Худди шунга ўхшаган аҳволни Глиер номидаги республика музика интернат-мактабида (директори К. Кенжаев) ҳам кўриш мумкин. Мактаб ошхонасига яқин жойда 2 машинага юк бўладиган чиқинди, металл парчалари ва қурилиш материаллари уюлиб ётибди. Арикларга ювундилар тўкилган. Ошхонанинг ойна ва эшиклари ифлос. Стол ва стуллар ювилмаган.

Шаҳардаги анҳорлар ва арикларнинг ифослиги ҳам аҳолининг эътирозига сабаб бўлмоқда. Шаҳар ирригация трести бошқармаси бу масала билан жиддийроқ шуғулланиши керак.

Шу кунларда об-ҳаво нисбатан салқинлашди. Лекин баъзан кунлар иссиқ бўляпти. Шундай экан, бундай шароитда ошқозон-ичак касалликлари тарқалиши учун шароит мавжуд. Айрим кишилар чанқоқликни босиш учун оқар сувларни истеъмол қилади. Айниқса, болалар ўртасида қудуқ, арик, булоқ сувларини истеъмол қилиш ҳоллари учраб туради. Бундай сувларда ошқозон-ичак касалликларини чақирувчи микроблар бўлиши мумкин.

Кун салқинлашган бўлса ҳам, айрим кишилар сувда чўмилишни канда қилмайдилар. Лекин бунда қандай сувда чўмилишни ҳам ҳисобга олиш керак. Чўмилаётганда бир қултум сув ютилса, соғлом одамнинг касал бўлиши ҳеч гап эмас.

Республикамизда ғарқ пишиқчилик. Шунинг учун турли хил сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин уларни водопровод сувида ёки қайнатилган сув билан албатта ювиш керак. Чунки мевалардаги чанг ва турли микроблар орқали ошқозон-ичак касалликларига дучор бўлиш мумкин. Сутни албатта қайнатиб ичиш маъқул. Барча йўллар билан касаллик тарқатувчи пашшани йўқотиш позим. Маълум бўлишича, бу ҳашарот фақат ошқозон-ичак касалликлари микробларигинигна эмас, ундан ташқари 40 дан ортиқ касалликни қўзғатувчи микробларни ҳам тарқатар экан.

Ичак касалликларининг ич кетиш, қайт қилиш, дармонсизлик, тана ҳароратининг кўтарилиши каби белгилари бошланиши биланоқ тезда врачга мурожаат қилиш позим. Медицина ходимлари ёрдами ва кўрсатмаси билан ўз вақтида даволанган бемор ҳеч қандай асоратсиз тезда тузалиб кетади. Бу эса касалликнинг олдини олишда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишда кўпни тоза тутиш муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу оддий ҳақиқатни ҳамма ҳам бирдай тушуниб етмайди. Баъзи кишилар кўлларини озода тутмаган ҳолда фақат ўзларини эмас, бошқаларнинг ҳам турли касалликларга чалинишига сабабчи бўлмоқдалар.

Шаҳар ва қишлоқларимизда халқ саломатлигини сақлашнинг муҳим омили бўлган озодалик ва ободончилик ишларини намунали йўлга қўйиш бутун жамоатчиликнинг муҳим вазифаси. Шунга эришайликки, ҳамма ерда рисоладагидек озода тартиб бўлсин. Вокзал, аэропорт, озиқ-овқат магазинлари, бозорлар, ҳовли-жойлар, томоша заллари, умумий овқатланиш тармоқлари, ҳаммомлар, маданий-маиший ва коммунал хизмати корхоналари, кўча ва йўлаклар, хиёбон ва йўлкалар, арик ва анҳорларни озода сақлайлик.

Ҳ. МАҲМУДОВ,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири.

Ўзбекистон чет элларда

ФЕСТИВАЛЬ ЛАУРЕАТИ

Сопот шаҳридаги 6 минг ўринли бу катта томоша залини жаҳон биларди. Ун бир йилдирки, ҳар йили ана шу ерда эстрада қўшиқлари халқаро фестивали ўтиб туради. Бу сафар «Лесная опера» залида ўзбекча тароналар ҳам янгради. Тошкент «Мюзик холл»и солисти Эсон Қандов бу кўрикнинг лауреати бўлди.

Эстрада артистларининг бу галги конкурси ҳақида «Узбекконцерт»нинг бадиий раҳбари, Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Сопот фестивалининг халқаро жюри аъзоси, композитор Энмарк Шокирович Солиҳов бундай ҳикоя қилади:

— Бу сафар Сопот фестивали бошқача ўтди. Фестивалда овозни грампластинкаларга ёзиб олинган шуҳратли ижодкорлар иштирок этдилар. Фестивалда иштирок этиш учун Европа, Америка ва бошқа қитъалардаги ўн мамлакатдан ўттиз етти санъаткор келди. Уларнинг овозлари жаҳондаги энг йирик грампластинка фирмалари томонидан ёзиб олинган. Югославия, Чехословакия, Польша, Англия, Финляндия, Швейцария, Австрия, Канада, Венесуэла фирмалари, Москва «Мелодия» фирмаси, Ленинград ва Тошкентда ёзиб олинган пластинкалар ҳам бу фестивалда намойиш қилинди.

Польшадаги ана шу ижрочилик кўригида Узбекистон вакиллари ҳам иштирок этдилар. Эсон Қандов «Тоғлар ёнар, ўрмонлар ёнар» қўшиғини маҳорат билан айтди. Композитор С. Краевский ҳинд куйлари оҳангида яратган бу қўшиқ Э. Қандов ижросида қанчалик табиий чиққанлигини Польша газеталари ҳам таъкидлади. Узбекистон вакили «Қўшиқнинг руҳини ажиб тарзда ифодалади, куйнинг ўзига хослигини томошабин қалбига сингдира олди, унинг ижросида шу куй томошабинлар ва жюри аъзолари эътиборини қозонди» деб ёзди газеталар. Шунинг учун ҳам Эсон Қандовнинг ижрочилик маҳорати ва ўзига хос овози юқори баҳоланди.

Фестиваль жаҳоннинг турли мамлакатларида шуҳрат орттириб бораётган талантларни ўзига хос бир тарзда кўз-кўз қилди. Фестивалнинг бош мукофоти Польшанинг ёш қўшиқчиси Марила Родовичга берилди. Биринчи ўринни англиялик Тони Крейк, иккинчи ўринни Еқутистон АССР-да хизмат кўрсатган артист Кола Бельди олди. Тошкентлик Эсон Қандов тўртинчи ўрин билан олқишланди. Ана шу талантлар «Сопот-73»и эстрада қўшиқлари халқаро фестивалининг лауреатлари бўлдилар.

Ш. ПУЛАТОВ.

Узбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга Қўқонда ҳайкал ўрнатилди.

С. Безносов фотоси.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИ

АРАЛАШТИРГИЧ УСТАНОВКА

Қўқон ёг-мой комбинатида тозаланган чигит ёғи олиш процессини тўрт баравар теезлаштирувчи янги технология мамлакатда биринчи бўлиб жорий этилди. Бу технологияни Бутуниттифоқ ёг илмий тадқиқот институти олимлари билан корхона мутахассислари ишлаб чиқишди.

Улар ихтиро этган схема бўйича ёг махсус ясалган оқимли-аралаштиргич установкада узлуксиз равишда тозаланади. Чигит магзидан олинадиган ярим фабрикат —мисцелла шу установкадан ўтказилади. Янги усул ёг тозалашни теезлаштиришдан ташқари ўшанча чигитнинг ўзидан ёг чиқишини 2 процент кўпайтиришга ва каустик сода сарфини қариб 2 баравар камайтиришга имкон берди. Янгиликнинг йиллик иқтисодий самараси биргина корхонанинг ўзида йилига 326 минг сўмга боради.

Ўрта Осиёдаги кўпгина турдош корхоналар ёғни узлуксиз рафинация қилиш усулига қизиқиб қарамоқда. Улар шу усулни ўзларида ҳам жорий этишмоқчи.

(ЎзТАГ).

ФИШЕРНИНГ РАҚИБЛАРИ

ШАХМАТ

Адриатика денгизининг соҳилида жойлашган Порторож шаҳри нуда гўзал, баҳаво. Тож даъвогари бўлиш ишқида куйиб-пишаётган машҳур уч гроссмейстер ҳам шаҳар ҳуснига монанд чиройли ўйинлар кўрсатиб мухлисларни хурсанд қилиб турдилар.

Мусобақанинг дастлабки икки давраси 48 ёшли москвалик гроссмейстер Ефим Геллер учун ниҳоят даражада кўнгилсиз тугади: Полугаевскийдан икки бор енгилди; Портиш билан биттасини дуранг қилди, иккинчисини эса ютиши керак эди. Аммо... олти соат ичида белгиланган 88 юриш қилиш ўрнига 86 та билан чекданиб, ноғоҳ мағлубиятга учради. Ҳа, юришлар ҳисобида тасодифан янглишиб қолди. Тўрт имконияти-дан атиги ярим очко ололган Геллерни кўпчилик ҳисобдан чиқариб қўйди. Бироқ, учинчи давра-даги учрашувлар Геллеога нисбатан чиқарилган «ҳукм» тўлақонли эмаслигини кўрсатди.

Еттинчи турда совет вакиллари учинчи маротаба бир-бирларига рўбарў бўлдилар. Оқ доналарда ўйнаган Геллер шоҳи олдидаги пиёдасини икки хона олга сурди. Полугаевский тагин сицилианча ҳимоя билан жавоб берди. Лекин буниси биринчи партияда қўлланган вариант эмас, бошқачаси эди. Оқларнинг сипоҳлари қулайроқ позицияларни эгаллаб олгач, Полугаевский дадилроқ ҳаракат қиламан деб, яна ҳам қийинроқ аҳволда қолди. Геллер чутилмаган жойларда нетма-нет зарбалар бериб, 33 юришда рақибини таслим бўлишга мажбур этди. Ажойиб услубда эришган бу ғалабаси туфайли Геллер яна ўз обрўсини тиклаб олди.

Саккизинчи турда Геллер венгриялик пухта гроссмейстер Портишни ҳам енгишга астойдил киришди. Жуда мураккаб ва кескин давом этган бу учрашув ноилож дуранг билан якунланди. Портишга шуниси керак эди. Тўққизинчи турда Лев Полугаевский венгриялик гроссмейстерни озмунча қийнамади. Лекин ҳушёрликни қўлдан бермаётган Портиш вақтида бир пиёдани бериб, вазиятни соддалаштиришга ва бироздан сўнг дуранг қилишга муваффақ бўлди.

Маълумки, бу икки гроссмейстернинг иккинчи даврадаги учрашуви такрор кечиктирилган эди. Ўйда қилинган таҳлилдан кейин уни давом эттириш бефойда эканлигига кўзи етган Полугаевский ўйнамасданоқ Портишга таслим бўлди.

Шундай қилиб турнирнинг уч давраси тугагач, олти имконияти-дан Лайош Портиш 4,5, Лев Полугаевский 2,5, Ефим Геллер 2 очко олдилар. Бинобарин, тўртинчи давра ўйналмасданоқ венгриялик гроссмейстер Лайош Портиш тож даъвогарлари сафига қўшилди.

Охирги давранинг дастлабки учрашуви Полугаевский — Геллер баҳси ғоятда муҳим эди. Қора доналарда ўйнаган Геллер имкониятларни тенглаштиргач, 18-юришда ноғоҳ битимга рози бўлди: ўз қарорида қаттиқ янглишгани кейин билинди.

Геллернинг ҳамма ишончи Портиш билан бўлган тўртинчи учрашувда эди. Ниятига яраша катта устунликка эришди-ю, аммо ҳал қилувчи дамларда рақиб имкониятларини пайқамай, 22-юришда дуранг билан нифояланди. Геллер 3 очко билан баҳси тугатди. Охирги жангда Полугаевскийга атиги ярим очко керак эди. Лекин дурангни кўзлаб курашишнинг оқибати яхши бўлмаслигини англаган ҳолда у чигал вариантни танлади. Ғоҳ у, ғоҳ бу гомоннинг қўли баландроқ вазиятда давом этган бу учрашув ҳам дуранг натижа берди.

Шу билан баробар иккинчи йўлланма тақдири ҳам ҳал бўлди: у Лев Полугаевскийга тегди. Жаҳон чемпиони билан матч ўйнашга даъвогар саккиз гроссмейстер иноят жадвали тўлдирдилар. Халқаро шахмат федерациясининг вакили яқинда Москвада улар ўртасида қуръа ташлади. Тўртта чорак финалда С. Спасский, Р. Бирн (АҚШ) билан, Т. Петросян, Л. Портиш (Венгрия) билан, Э. Мекинг (Бразилия) В. Корчной билан ва А. Карпов Л. Полугаевский билан баҳслашадиган бўлдилар. Уларнинг дастлабкиси — Спасский—Бирн матчи келаси йилнинг январь ойида ўтади. Низомга кўра, Полугаевский — Карпов матчидан бошқа учтаси холис мамлакатларда ўтказилади.

Саккиз даъвогарнинг бештаси Совет Иттифоқи вакилларидир. Бинобарин, Роберт Фишернинг 1975 йилги рақиби ўшалардан бири бўлишига кўпчилик умидвор.

М. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Узбекистони» шахмат шарҳловчиси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. Футбол: «ДИНАМО» (Киев) — «ФРЕДРИКСТАД» (Норвегия), «ДИНАМО» (Москва) — «СПАРТАК» (Москва). 20.00 —Миллионлар ленинча университети. 20.30 — ТОШКЕНТ. 20.45 — Ахборот. 20.55 — Олинган мажбуриятлар изидан. 21.10 — Ахборот. 21.30 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Хоккей: ЦСКА — «ДУКЛА» (ЧССР). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 15.00 — МОСКВА. 15.05 — Янгиликлар. 15.15 — Ўқув кўрсатуви. 17.30 — Болалар учун кўрсатув. 18.00 — Фан оламида. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Болалар учун фильм-концерт. 18.55 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.25 — Концерт. 20.00 — «Замандас» программаси. 20.30 — Концерт. 21.00 — Кинокўрсатув. 22.00 — Жанговар постда. 22.30 — Ўн минут музика. 22.40 — **Мовий осмон** (теленовелла). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент яқиниклари. 19.15 — Фильм-концерт. 19.50 Классик музика саҳифаларида. 20.30 — **Эски масжиддаги тўқнашув** (бадиий фильм).

Угай она — «ЧАЙКА» (тоқ соатларда).

Привалов миллионлари (2 серия) — «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Робинзон Крузонинг қаёти ва ажойиб саргузашти — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Сангам — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Тузалмас одам — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Сиз ҳамма гапни айтмабсиз, Ферран! — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/Х да **Менинг жаннатим**, 5/Х да **Хотиниимнинг эри** (кеч соат 7 яримда).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/Х да **Қачонгача мой ейсан**, 5—6/Х да **Беш кунлик куёв** (кеч соат 7 яримда бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ИВАН АНИСИМОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ЎРГАТИЛГАН АНИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ (кеч соат 7 яримда); шанба кунлари — кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари — кундуз соат 12, 3 ва 7 яримда).

КИНО

Қулфсиз эшик — «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). ҲАМЗА номли (тоқ соатларда). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (жуфт соатларда).

Тартиб учун қилинган жиноят «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун).

Менинг ҳалол кўрасиз (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00), **Хонимлар ва жаноблар** (20.00, 21.45) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ҚИРГИЗИСТОН ССР ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПАТЕНТ» ПОЛИГРАФИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ

1974 ЙИЛДА ПАТЕНТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ ЎЗЯЧА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ВА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИ

Шартнома тузган буюртмачиларга хизматни ўз вақтида бажариш гарантияланади. Буюртмалар ихтирочилик ва патент-лицензия ишлари билан боғлиқ бўлган алоҳида ва комплекс хизмат кўрсатишга қабул қилинади.

Ҳамма хизматлар СССР Министрлар Советининг ихтиро ва тадқиқот ишлари бўйича Давлат Комитетининг хўжалик ҳисобидаги нархлари асосида амалга оширилади.

1974 ЙИЛГА БУЮРТМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ 1973 ЙИЛНИНГ 10 ДЕКАБРИГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Справкалар учун адреслар:
700115, ГСП, Тошкент шаҳри, Самарқанд-дарвоза кўчаси, 62-уй;
712000, Фарғона шаҳри, Коммунистлар кўчаси, 62-уй.

Йўл-қурилиш материаллари комбинатининг Янгийўл райони Октябрь посёлкасидаги 7-ТАЖРИБА РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

автогрейдерлар, барча марқадаги мотокатоклар, С-80, С-100 марқали тракторлар, К. Д. М-46 ДТ-54 марқали двигателларни ремонт қилувчи слесарлар

КЕРАК

Иш ҳақи — ишбай. Енгиз юишиларга — ётоқхона, оилаликларга — уч ой мобайнида квартира берилади.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент область, Янгийўл райони, Октябрь посёлкаси;

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 33-а» уй, Йўл-қурилиш материаллари комбинати.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142
коммутатор — 330249 да-330258 гача

Б. — 234. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02729.